Ушбу сонда:
2 Меҳру оқибат — БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР
3 МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ
4 ОНА ҚОТИЛИ — *фельетон*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 ноябр, жума №163 (995)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 51 КУН ҚОЛДИ

Дунёни бу кун давр ила даврони ғанимат,
Келтурди халойиқни ки меҳмони ғанимат...
Очгил кўзинг, эй дил қилакўр вақтни тамошо,
Айёми жаҳонни моҳи тобони ғанимат.

Увайсий.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

ЎзКУФК Раёсатининг 2000 йил мартдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод йили» бўйича тадбирлар дастури юзасидан Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ибратли ишларни амалга оширди. Мазкур тармоқда йил бошидан буён шу мақсадлар учун 595 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ушбу маблағ ҳисобидан кўп болали аёлларнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди, фарзандлари 3 ёшга тўлмаганларга нафақалар тўланди. Тармоққа қарашли корхоналардаги ногирон, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Биргина Тошкент вилояти тармоқ қўмитаси шундай оилаларга 26 миллион 836 минг сўм моддий кўмак берди.

ТАЪТИЛ ДАВРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Хоразм вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси АҚШ тинчлик корпуси вакиллари билан ҳамкорликда 55 нафар аълочи ва фаол ўқувчилар учун Урганч Давлат университети санаторий-профилакторийси қошида махсус оромгоҳ ташкил этди. Мазкур қўмита томонидан хайрли тадбир учун 285 минг сўм маблағ ажратилди. Кузги таътил даврида ўқувчилар бу ерда дам олиш билан бирга инглиз тилини ҳам ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

ЭНГ ЯХШИ МАЪРУЗА

Яқинда Тошкент Ислом университетида Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабалари иштирокида «Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний илмий меросининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан талабалар Л.Раҳимова, Н.Ҳасанов ва А.Маъруфовларга буюк алломаларимиз қолдирган илмий мероснинг аҳамияти тўғрисидаги энг яхши маърузалари учун қимматбаҳо совғалар топширилди.

* * *

СИФАТ УЧУН ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Намангандаги учинчи пахта тозалаш корхонаси ишчи-хизматчилари замонавий технологиядан унумли фойдаланмоқдалар. Бу ерда пировард натижа учун барча ўзини масъул деб билади. Сифатли маҳсулот тайёрлаш омилларидан унумли фойдаланади. Шу боис кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб бормоқда.

Яқинда иноқ жамоа ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Хорижга экспорт қилинган пахта толаси Женевадаги халқаро сифат конвенциясининг мукофотига сазовор бўлди.

КОСОННИНГ ЧЎРКАМ БОЗОРИ

Бозори обод юртнинг насибаси бут бўлади. Буни яхши англаган омилкор кишилар Косон деҳқон бозорини янада ободонлаштириш юзасидан хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Бу ердаги қурилишлар шарқона услубда олиб борилмоқда. Савдо шохобчаларини қирқтага етказиш мўлжалланмоқда. Миришкорга ҳам, харидорга ҳам қулай бўлиши учун 40 ўринли меҳмонхона ишга туширилган. Тиббий ёрдам пункти ишлаб турибди.


Бозор маъмурияти савобли ишлардан четда қолмайди. Хусусан, Мўғжагул маҳалласида яшовчи 10 га яқин кам таъминланган оилалар оталиққа олинган. Шунингдек, кўзи ожизлар жамияти, меҳрибонлик уйларига имконият даражасида маблағ ўтказилмоқда.

КОЛЛЕЖ «БУЮРТМА ОЛМОҚДА»

Сирдарё вилояти ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармасининг ўқув муассасалари тарбияланувчилари билим олиш ва келгуси мутахассисликларига оид бошланғич маълумотларни эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, ўқув масканларида меҳнат қилиб, қўшимча маблағ топишмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида касб-ҳунар коллежлари ҳисоб рақамларига ўқувчилар томонидан ишлаб топилган тўрт миллион сўмга яқин маблағ келиб тушди. Улар бу маблағни «буюртма бўйича» қийин бўлмаган, бироқ турмушда ва ишлаб чиқаришда керак бўлган дурадгорлик ва тикув асбобларини тайёрлаш, мебел, маиший ва ишлаб чиқариш электротехника ускуналарини таъмирлаш йўли билан ишлаб топишмоқда. Талабалар мактаб ва болалар боғчалари учун тайёрлаган жиҳозларга талаб, айниқса катта.

Ўқув устахоналарида ишлаб топилган маблағлар ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, махсус стипендия ва мукофотлар жорий этиш ва янги ўқув кўлланмаларини сотиб олишга сарф қилинмоқда.

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР




Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» очиқ турдаги ҳисадорлик жамиятида уч сменада 1600 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилган. Эришилаётган ютуқларда ўз касбининг устаси Норгул Ҳусаинованинг (пастдаги сурат) ҳам муносиб ҳиссаси бор. У сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна; Тошкент туманидаги ўзбек-турк «Ганж-Бажон» қўшма корхонаси оператори Муқаррам Маҳмудова.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ ва Давron АҲМАД олган суратлар.

Туронзамин дарғалари

Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимиз қалбида яшаётган кўплаб алломаларноми тикланмоқда. Улуғ алломалар, олиму фозилларнинг ҳаётлари ва асарлари чуқур ўрганилиб, халқимизга, хусусан, ёшларимизга етказилмоқда. Ана шундай беназир улуғларимиздан бири Ислом қонуншунослигининг отаси, нодир истеъдод эгаси Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳазратларидир.



МАРҒИЛОН МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Мажмуа қурилишида қатнашаётган ташкилотлар зиммасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори буюк бобокалонимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзидир. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, аллома таваллуд топган Марғилон шаҳрида ҳам Бурҳониддин ал-Марғиноний юбилейига пухта ва ҳар томонлама ҳозирлик кўрилмоқда.

Марғилон темир йўл бекатидаги чор кўчани бир-бирига туташтирувчи майдонда буюк аллома номидаги мажмуани бунёд этиш ишлари тезкорлик билан олиб бориляпти. Вилоят штаби ҳар куни эрталаб бажарилган ишларга якун ясайди, муаммоларни таҳлил этади.

Мамлакатимиздаги етакчи меъморлар билан ҳамкорликда тайёрланган мажмуа лойиҳаси ҳар томонлама мукаммал бўлиб, майдон марказида Бурҳониддин ал-Марғинонийга бағишланган 6 устунли ёдгорлик қуббаси қад ростламоқда. Нафақат мажмуанинг 3,2 гектар ҳажмдаги ҳудуди, балки ён-атроф ҳам тўла ободонлаштирилиб, туташ кўчаларнинг кўркам бўлиши тўла таъминланди. Бешта фаввора бунёд этилди. Майдоннинг барча томонларини ўзаро боғловчи йўлаклар бўйлаб 150 дан зиёд ёритиш чироқлари ўрнатилди.

(Давоми 4-бетда.)

«БЕҲЗОД ВА ТАМАДДУН»

Ўзбек халқи ва тамаддун (цивилизация) тушунчалари бир-бирига шу қадар боғлиққи, баъзан жаҳон ақл-тафаккури ривожига яна қайси халқ шунчалик улкан ҳисса қўшган экан, деган ўйга ҳам борасан киши.

Фақат истиқлол шарофати билангина бугун биз халқ сифатида жаҳон равнақига қанчалар ҳисса қўшганимизни сарҳисоб қила олиш имконига эга бўлдик. Жумладан, буюк боболаримиздан бири - Камолиддин Беҳзодни ҳам яқиндан таний бошладик.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда «Беҳзод ва тамаддун» китобини нашрдан чиқарди.

Мазкур рисолада айнан Беҳзоднинг ҳаёти ва фаолияти, яратган миниатюра мактаби, жаҳон тамаддунига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида сўз боради.

«Маънавият» нашриётида чоп этилган китоб Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан бу йил нишонланаётган улуғ рассом Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги тўйига тўёна тарзида чоп этилди.

(ЎзА).

ХОРИЖ САРМОЯДОРЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

Ихтисослаштирилган давлат акциядорлик-тижорат «Асака» банкининг халқаро обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Нуфузли «Шхе банкер» журнали жаҳондаги энг яхши ва ишончли мингта банк қаторига Асака банкини ҳам киритгани бежиз эмас.

Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрами арафасида «Асака банк» Осиё банклари уюшмасига аъзо бўлган эди. Энди эса Осиё ва Тинч океани минтақаси молиявий институтларини ривожлантириш уюшмасига аъзо бўлишга ҳозирлик кўрмоқда. Асакаликлар шу мақсадда ўз тармоқлари ва хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришни кўзлашяпти. Яқинда мавжуд 22 филиал қаторида Тошкентда иккита тармоқ очилди. Бундан ташқари, пойтахтда яна битта, Андижон, Марғилон шаҳарларида ҳам биттадан филиал очишга тараддуд кўрилмоқда. «Асака банк»нинг халқаро миқёсда иш олиб бориши республикамизга чет эл сармояларини олиб киришда муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

М.АБДУКАРИМОВ.

«Ишонч» бонг уради

Қарши туман ҳокимлигининг аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлимида 25 нафар киши меҳнат қилади. Сўнгги вақтларда уларнинг қўли ишга бормай қолди. Боиси, масъулиятли касб эгаларига ойлик маош вақтида берилмаяпти.

ИШ ҲАҚИ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

— Ҳудудимизда 25 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, - дейди «Ертепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги меҳнат назоратчиси Наим Мўминов. - Ҳар куни кўпдан-кўп кишилар билан мулоқот қилиб, уларга амалий ёрдам беришга интиламан. Хизмат бурчимизни сидқидилдан бажаряпмиз. Лекин ойлик маош вақтида берилмаса, оилада муаммолар кўпаяверараркан...

— Оилада бир ўзим ишлайман, - дея ҳамкасбининг фикрини давом эттирди Бешкент шаҳри бўйича меҳнат назоратчиси Мардон Каримов. - Қизиқ бўляпти, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга даъват этилганларнинг ўзи ёрдамга муҳтож. Ахир, ҳар биримиз катта оиланинг бошлиғимиз. Қиличини кўтариб қиш келаётганлиги бизни янада ўйлантириб қўйди. Мушкулимиз қачон осон бўларкин, ҳайронмиз.

Чиндан, бўлим ходимлари сидқидилдан меҳнат қилиб, ташкилотчилик кўрсатиб, аҳолини ишга жойлаштириш бўйича дастурни кўнгилдагидек амалга оширишга эришмоқдалар. Жорий йилнинг ўн ойида 1439 та янги иш ўринлари яратилди. Турли жамғармалар билан биргаликда ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида тумандаги 165 ташкилот ва муассасадан 41 таси 83 та бўш иш ўринлари билан ушбу ярмаркада қатнашди. 60 киши кўнгилдагидек жамоаларга жойлашди.

Яхши ишласангу меҳнатингга яраша ҳақ ололмасанг, алам қилади, албатта. Ходимларнинг ҳақли эътирозларига муносабатини сўраб, бош ҳисобчи Анора Жўраевага юзландик.

— Жорий ҳисобимизда маош учун маблағ етарли, - фикрини ифодалайди у. - Бироқ, «Пахтабанк»нинг туман бўлимидагилар турли баҳоналарни рўкач қилишяпти. Кассиримиз кунини банкда пойлоқчилик қилиш билан ўтказмоқда. Тўғри-да, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси кишиларининг ўзлари ҳимояга муҳтож бўлиб қолишларини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Яна бир нарса бизни ажаблантирди. Бу ерда ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам эътибор сусайтириб юборилган. Ташкилот касаба уюшма қўмитаси (раиси М.Жумаев) бу борада муросасозлик қилмоқда. Қаранг, жорий йилнинг ўтган ўн ойи ичида таътилга чиқиш даврида даволаниш, саломатликларини мустаҳкамлаш учун бирон-та ходимга йўлланма берилмапти. Хизматчилар фарзандларидан бирон-таси ёзда оромгоҳларда бўлмапти. Эътироф этишларича, «Талликўрон» қишлоқ фуқаролар йиғини меҳнат назоратчиси Ш.Эронов даволаниш учун моддий ёрдам сўраб, неча бор мурожаат қилган. Бироқ, на маъмурият, на касаба уюшма қўмитаси унинг мушкулини осон қилолди...

Хўш, ходимлар қачонгача маош кутиб яшайдилар?

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ТЕРРОРЧИНИНГ АСЛ МАҚСАДИ — ЁВУЗЛИК

«Қилган жиноятларимга иқрорман ва бунинг учун жабрланганлардан, уларнинг яқинларидан, бутун Ўзбекистон халқидан, Президентимиздан кечирим сўрайман», дея сўзини якунлади айбланувчи Улуғбек Маҳмудов. Аммо, энди қилмишларига минг пушаймон қилса-да, унинг тақдирини фақат одил судгина ҳал қила олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан давом этаётган суд жараёнида 9 ноябр куни «қора курси»дан жой олган У.Маҳмудов, О.Абдувоҳидов ва У.Шукуров кўрсатма берди.

Тошкентдаги портлашларнинг ташкилотчиси Улуғбек Бобожонов билан бирга Чеченистонда диний ва ҳарбий тайёргарликни ўтаган Улуғбек Маҳмудов 1999 йил кузида Боткенга бостириб кирган жангариларга қўшилиш мақсадида чегарачи Бобур Раҳимовни ўлдириб қуролини эгаллаган. Бироқ Қирғизистон ички ишлар идораси ходимлари томонидан қўлга олиниб, Жума Ҳожиев томонидан гаровга олинган 4 нафар япониялик олимга айирбошланган. Айни пайтда Жума Ҳожиев японияликлар учун 6 миллион АҚШ доллари миқдорида пул олгани унинг жиноий мақсадларини яна бир карра исботлайди.

Узоқ муддат Ж.Ҳожиевнинг ҳайдовчиси бўлган У.Маҳмудов 2000 йилнинг июл ойи бошларида Тожитдин Исматов бошчилигидаги гуруҳ таркибида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига юборилган. Аммо чегарадан ўтиш чоғида Тожикистон чегарачилари томонидан ушланиб, Ўзбекистонга топширилган.

Олимжон Абдувоҳидов ва Усмон Шукуровнинг асосий вазифаси Ўзбекистондан қочган ҳаракат аъзоларини Тавилдарага, Жума Ҳожиев лагерига жўнатишдан иборат бўлган. Шунингдек, О.Абдувоҳидов Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманига бир гуруҳ жиноятчиларни ўтказишда фаол иштирок этган.

Судланувчиларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлдики, Бирлашган тожик мухолифатининг кўпгина дала қўмондонлари, раҳбарлари Ж.Ҳожиевни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар. 2000 йилнинг баҳорида Тожикистон ҳукумати «Ўзбекистон исломий ҳаракати» аъзолари мамлакатни тарк этишини талаб қилганда, Ж.Ҳожиев 200 дан ортиқ қуролланган жангариларни «Коммунизм чўққиси» ёнидаги Ложир қишлоғида яширган ва ўзи Афғонистонга ўтиб кетган. Айнан шу жангарилардан таркиб топган гуруҳлар Сурхондарё, Бўстонлиқ ва Боткенга август ойида бостириб кириб, фуқароларимиз тинчлиги, юртимиз осойишталигига раҳна солмоқчи бўлди.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА).

«НАВРЎЗ»ДАГИ БЕКИНМАЧОҚ

«Наврўз» чойхонаси Қарши шаҳрининг энг гавжум жойида. Аммо у ерда кунлик нақд пул тушуми нимагадир 5 минг сўмдан ошмайди. Бу ғаройиб ҳол солиқчиларни бекорга таажжублантирмаган кўринади. «Наврўз» га ташриф буюрган солиқчи «чойхўр»лар текширув ўтказганида ўша куни нақд пул тушуми 138 минг сўмни ташкил этди. Бу бир ойда 4,1 миллион, бир йилда эса 49,2 миллион сўм деганидир. Чойхонадагилар эса йилига 1,8 миллион сўм ҳисобидан солиқ тўлаб келган, қойилмисиз?!

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси тажрибасидан

Биз — ишчилар ғурурли халқмиз. Комбинатимизнинг ўз тарихи, анъаналари бор. Энг қимматлиси элликка яқин миллат кишилари ўртасидаги дўстлик ришталари, меҳру оқибатнинг мустаҳкамлигидир. Йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтиб, бунга чуқур ишонч ҳосил қилганмиз. Шу ўринда ҳаётий мисол келтирсам. 35 йилдан буён энг масъулиятли тармоқда ишлаб келаётган Маҳкам Сатторов кутилмаганда касалга чалинди. Шунда комбинат касаба уюшма қўмитаси аъзолари Рамил Ортиқхўжаев, Валерий Ошепков, Ўрозали Дадабоевлар жонбозлик кўрсатиб, Бўстонликдаги «Оқтош» санаторийсида кекса ишчини даволатишди. Лозим бўлганда оиласига амалий ёрдам, мадад кўрсатишди. Ҳозирги кунда Маҳкам ака қадрдон жамоасида меҳнат қилмоқда. Меҳру оқибатли дўстларимга, шогирдларимга раҳмат, дейди мураббий ҳар гапида.

Ҳаётда нималар бўлмайди. Касаба уюшма аъзолари ишчи-хизматчилар билан цехларнинг ўзида дилдан суҳбатлашишади. Орзу-умидлари, ечимини кутаётган муаммолардан бохабар бўлишади. Ана шундай суҳбатларнинг бирида мис эритувчилар И.Матиев ва Ғ.Абдурашидов фарзандли бўлиш орзусида эканликларини маълум қилиб, Қибрайдаги «Умид гулшани» санаторийсига ётқизишни илтимос қилишди. Уларга имтиёзли йўлланма берилди.

Иноқ жамоа аъзолари мусибатли кунларда ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. Комбинатга 48 йил меҳнати сингган чилангар Яков Грес саломатлигини йўқотди. Касабақўм аъзолари, ишчилар ойлар мобайнида унинг ҳолидан хабар олиб турдилар. Дори-дармон, санаторийларга йўлланмалар корхона ҳисобидан олиб берилди. Ҳаёт экан, дард зўрайиб уруш қатнашчиси, корхона фахри Я.Грес оламдан ўтди. Дафн маросимини ўтказишга комбинат бош директори В.Сигединнинг ўзи бош-қош бўлди.

Буларнинг ҳаммаси комбинатимиз ишчи-хизматчилари ўртасидаги меҳру оқибат қанчалик кучлилигини кўрсатади. Биз касбимиз, эришилаётган натижалар билан фахрланамиз. Биргина мис эритиш корхонасида 3 мингга яқин одам меҳнат қилади. Жараёнлар мураккаб кечади. Боиси, тўхтовсиз ишлаб чиқариш технологиясига амал қилинади. Цехларда унумли ишлаб, яхши ҳордиқ чиқариш учун шароит етарли. Саломатлик маскани кеча-ю кундуз ишлаб туради. Ишчи-хизматчилар вақти-вақти билан тиббиёт кўригидан ўтадилар. Жамоа шартномасида белгиланганидек, меҳнатчилар Олмалиқ ва Тошкент шаҳарларидаги энг яхши касалхоналарда бепул даволанадилар.

Комбинат маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Бир йилда ана шу муҳим иш учун 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Одамлар ўзларига кўрсатилаётган меҳрибонликка жавобан кун сайин унумлироқ ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Нуриддин Сапаров, Чори Саматов, Виктор Колесниченко, Виктор Кондратьев каби зарбдорлар хайрли ташаббуслар билан майдонга чиқишмоқда.

Н.ГАНЖА,
мис эритиш корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Меҳру оқибат



ЕТИМЛАР БОШИНИ СИЛАБ

Энг катта савоб

Комбинат бош директори Виталий Николаевич Сигедин мартабаси улуғ бўлса-да, ғоят камсуқум, дилкаш инсон. Ишчилар, фахрийлар орасида кўпроқ бўлишни хуш кўради. Ҳамиша катта жамоа ташвишлари билан яшайди. Бир куни у ҳузурига касабақўм раиси Собир Пўлатовни таклиф қилди.



— Ишчилар оилаларида бўлганимда, бир нарса эътиборимни тортди, - деди у ён дафтарини варақлаб. - Бир вақтлар комбинатимиз цехларида ишлаган баъзи кишиларнинг фарзандлари қийналиб қолишибди. Ахир, улар бизнинг фарзандларимиз. Етим-есирлар бошини силаш бурчимиз. Уларни рўйхатга олиб, алоҳида меҳрибонлик кўрсатсак яхши бўларди.

Директор таклифи билан комбинат «Меҳрибонлик уйи» ташкил этилди. Бу ерда ойига 30 нафар бола дам олдирилмоқда. Улар Омилкор директор ва унинг қўл остидагилар ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, бунинг уддасидан чиқишмоқда.

Баъзи ерларда бозор қийинчиликлари рўкач қилиниб, ёрдамчи хўжаликлар тугатиб юборилди. Бироқ, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати мутасаддилари омилкорлик, қатъиятлик кўрсатиб, муҳим тармоқни жадал ривожлантиришга эришишмоқда. Ёрдамчи хўжаликнинг катта ери бор. Мева-чева, сутқатиқ болалар боғчалари, касалхоналарга, цехларга шу ердан етиб келади.

Касаба уюшма қўмитаси раисининг таъкидлашича, жами 18 та боғчага 3 минг нафар бола жалб қилинган. Сарф-харажатлар асосан корхона ҳисобидан. 18 та мактаб оталиққа олинган. Илм масканларини таъмирлаш, ўқув қуроллари сотиб олишда ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Мендан кўпинча ютуқлар омили ҳақида сўрашади. Жавоб битта: барча цехларимизда, хизмат кўрсатиш тармоқларида инсон омилига юксак даражада эътибор берилаётганлигидир.

Қ.УСМОНДИЁРОВ,
ишчи.

МАДАНИЯТ САРОЙИ

ёшларнинг севимли маскани

Сўнгги йиллардаги энг ҳайрли ишлардан бири, бу маданият саройи сақлаб қолинганидир. Баъзи раҳбарлар маданий-маиший тадбирлар ҳақида гап кетса: ойлик маошга пул топиб беролмаяпман, бу масалалар кейинроқ, деб муҳим ишни пайсалга солишади. Бироқ комбинатимиз мутасаддилари ўз ўрнини топган, кучли салоҳият эгаларидир. Улар ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндошиб, маданият саройини яхшилаб таъмирладилар. Эндиликда у барчанинг энг севимли масканига айланган. Рақс, балет, бичиш-тикиш каби ўндан ортиқ тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Вақти-вақти билан концертлар намойиш этилмоқда. Шодиёна кунларни шу ерда ўтказиш анъанага айланди.

«Металлург» деб номланган спорт клубимиз бор. 15 минг ўринли ўйингоҳга ҳамма ҳавас қилади. Йигит ва қизларимиз спортнинг 15 дан ортиқ тури билан шуғулланишмоқда. Айниқса бокс, теннис, шахмат-шашка, енгил атлетика, волейбол ишқибозлари кўп. Қўл тўпи бўйича аёллар жамоамиз республика биринчилигида муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Шахмат ишқибози, моҳир ташкилотчи Тожихон ота саъй-ҳаракати билан иқтидорли шахматчилар кўпайиб бормоқда. Шу ўринда кадрлар ўқуви бўлимининг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчиман. Ишга янги келганлар дастлаб шу ерда малака оширадилар. Мутахассислар, тажрибали ишчилар ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатадилар. Томск политехника институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ана шу илм даргоҳида 13 нафар ўзимизнинг йигитлар ўқиб, яхши мутахассис бўлиб қайтишди.



Ш.АКРАМОВ олган суратлар.

Бизда Соғлом авлод йили дастурига кўра, аёлларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Сўнгги ойлар ичида 200 нафар хотин-қиз оғир участкалардан ўзлари хоҳлаган замонавий касбларга ўтказилди. Янги иш ўринлари яратиш ҳақида тинмай изланилмоқда. Яқинда қора мармардан плиталар ишлаб чиқарадиган замонавий цех ишга туширилди. Бунинг шарофати билан 150 та одам муқим иш билан таъминланди. Дарвоқе, маҳсулотнинг асосий қисми Италияга сотилаётганлиги хориж сармоясини жалб этиш имконини беряпти.

Одамларимизга синчков назар ташлайман: улар чеҳрасидаги мамнунлик, қатъиятлик, комбинат шуҳратига шуҳрат қўшишга интилишни кўриб, ўзимда йўқ хурсанд бўламан. Ҳаётда ёниб-жўшиб яшаганга нима етсин!

В.МЎМИНОВ,
республикада хизмат кўрсатган мураббий.

НОГИРОНЛАР РЕАБИЛИТАЦИЯСИ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигида «Ногиронлар тиббий-ижтимоий реабилитациясининг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ногиронларнинг тиббий, ижтимоий-касбий, руҳий-психологик реабилитацияси билан боғлиқ муҳим масалалар хусусида атрофлича фикр юритдилар. Айниқса ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб турган ногирон аёллар ва болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси ва бу борада мутасадди ташкилот, марказларнинг ролини янада ошириш ҳақида алоҳида гап борди.

Шунингдек, анжуманда Ижтимоий таъминот вазирлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи А.Иноқовнинг «Ўзгалар ёрдамига муҳтож ногиронларни ижтимоий ҳимоялашнинг устувор йўналишлари», Миллий реабилитация Маркази бош директори, тиббиёт фанлари номзоди Ж.Нажмиддиновнинг «Ногиронлар тиббий-ижтимоий реабилитациясида реабилитация марказларининг асосий вазифалари ва ўрни», профессор Л.Мўминованинг «Жамиятда ногирон болаларнинг психологик ва жисмоний реабилитацияси йўналишлари» каби 20 дан ортиқ маърузалар тингланди.

Бозор талаби қатъий

БАНКРОТ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ ШУ КЎЙГА ТУШИШИНИНГ САБАБЛАРИ ВА САБОҚЛАРИ

Бозор шароити муаммоларини ҳал этиш, ишни бир маромда ривожлантириб бориш раҳбардан омилкорлик, изланиш ва ташаббускорликни талаб этади. Янгича шароитда фаолият юритишга ўзини тайёрлай олмаган, ҳамон ниманидир кутаётган етакчи бор имкониятни ҳам бой беради, ишловчиларни мушкул аҳволга солиб қўяди.

Оҳангарон туманидаги 18-механизациялашган кўчма жамланмада худди шундай бўлди. Унинг раҳбари Иван Красний ўзибўларчилик, муросасозликка йўл қўйди. Катта қурилишларга бош қўшишда мутахассислар фикрини инобатга олмади, кучларни расамади билан тақсимламади. Кўп ўринларда хотамтойлик қилиб, қарз ҳисобига тегишли биноларни бунёд этишга розилик берди.

Вақт ўтиши билан иқтисодий қийинчилик юзага келди. Шунда ҳам И.Красний ўзаро манфаатли асосда имзоланган шартнома бандларининг вақтида бажарилишини назорат қилмади, қатъийлик кўрсатиш зарур бўлган пайтларда масаманфаатларини ҳимоялашга даъват этилган касаба уюшма қўмитаси, унинг раиси Акбарали Абдусаматов ҳам ўзининг ночор, лаёқатсиз эканини кўрсатди. Иш шунга бориб етдики, ташкилот қурувчилари ойлик маошни вақтида ололмай қолдилар.

Мазкур жамоада тажрибали, қўли гул кишилар меҳнат қилишади. Улар топшириқни ҳамиша аъло даражада бажариб келишган. Муҳими, фойдаланишга топширилаётган бинолар сифати буюртмачиларни қаноатлантирарди. Ойлик маошдан қарздорлик 2 миллион сўмдан ошгандан кейин кўчма жамланма раҳбари саросимага тушди. Энди судма-суд юришга мажбур бўлди. Туман прокурорининг даъво аризасига кўра Тошкент вилоят хўжалик суди тўлов имконияти бор бўлган Пискентдаги 3-механизациялашган кўчма жамланмадан қарзни ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. Бунда тўлов муддати ўтганлиги ҳисобга олиниб, 275 минг 600 сўм жарима ҳам қўшиб ҳисобланди. Бироқ бунинг учун анча вақт талашиб-тортишишга тўғри келди.

Танг аҳвол юзага келишининг яна бир сабаби шуки, фаолият қатъий режа асосида изчил амалга оширилмади. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги саноат, фуқаро қурилиш ташкилотининг қарзни тўлаш муддати тугаган бўлса-да, И.Красний негадир «арқонни узун ташлаб» юраверди. Муросасозлик муаммоларни кўпайтириб юборди. Оқибат натижада ушбу ташкилотдан қарздорлар сони 8 тага етди. Ундирилиши керак бўлган маблағ 6 миллион сўмдан ошди. Боз устига Оҳангарондаги қурилиш ташкилотининг ўзи 12 миллион сўм кредитор қарз бўлиб, ҳеч кутилмаган жойда қурувчилар жамоаси боши берк кўчага кириб қолди.

Бундай аҳвол вилоят иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш ҳудудий бошқармаси томонидан синчиклаб ўрганилди. Тегишли ҳужжатлар вилоят хўжалик судига оширилди. Ушбу хўжалик судининг жорий йил 5 сентябрдаги хулосасига кўра 18-механизациялашган кўчма жамланма банкрот деб эълон қилинди. Иш ҳақидан қарздорлик, кредитор қарзларни тўлаш учун мазкур ташкилотнинг мол-мулки рўйхатдан ўтказилиб, кимошди савдосига қўйиладиган бўлди.

Қурувчилар билан фикрлашганимизда улар ҳақли эътирозларни билдирдилар. Ахир ойлар мобайнида маош олмай яшаш осонмас. Ташкилотнинг бу кўйга тушиши бошқалар учун катта сабоқ бўлиши керак.

Т.ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги чекка Қосим Қобилов номидаги, «Деҳқонобод», «Варозун» ширкат хўжаликлари аҳли яна бир қулайликдан баҳраманд бўлди. Улар кўп йиллардан буён қудуқлардан, оқар сувлардан фойдаланиб келишарди. Эндиликда аҳоли Дамхўжа-Навоий-Бухоро сув қувури орқали тоза ичимлик сувидан фойдаланмоқда.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Қурувчилар беш ой ичида қарийб ўн беш километр масофага сув қувурлари ётқизди. Бундай бунёдкорлик ишларида «Навоийсувқурилиш» ҳиссадорлик уюшмасининг Қизилтепадаги 5-кўчма механизациялашган жамланмаси, вилоят «Обиҳаёт-ЛТД» қўшма корхонаси қурувчилари жонбозлик кўрсатди. Иншоотда айни пайтгача 60 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

OLAMDA

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош котиби Кофи Аннан хорижий сафарга чиқди. Бош котиб расмий вакили Фред Экҳарднинг айтишича, К.Аннан дастлаб Швейцарияда бўлади ва Женевада Кипр можаросини тугатиш масаласида ўтказиладиган музокарада иштирок этади. Сўнгра унинг Қатарга сафари бошланади. Бош котиб у ерда Ислом конференцияси ташкилоти саммитида қатнашади. Сафар Баҳрайн билан якунланади.

* * *

БЕЛГРАД. Югославияга ташриф буюрган Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер ГФР шошилинч ёрдам тариқасида расмий Белградга эллик миллион марка ажратишини билдирди. Бу маблағ дори-дармон ҳамда ёқилғи маҳсулотлари харид қилишга сарфланади, деди у Сербия мухолифат партияси раҳбарлари билан бўлган учрашувда.

Й.Фишер НАТО ҳужуми натижасида узилиб қолган икки томонлама дипломатик алоқаларни ҳам тезда тиклаш лозимлигини қайд этди.

* * *

ЛУСАКА. Зимбабве ҳукуматининг собиқ раҳбарларидан бири - оқтанли Ян Смит мамлакат президенти Роберт Мугабени истеъфога чиқишга чақирди. Давлатни хонавайрон қилган президент халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиши лозим. Энди ҳокимият тепасида қолишга унинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ, деди у.

Хабарларга қараганда, сўнгги сўровлар мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи Р.Мугабе истеъфога чиқишининг тарафдори эканини кўрсатди. Бироқ давлат раҳбари ўз курсисини ҳали замон бўшатмаслигини, аксинча, 2002 йилда бўладиган президент сайловида ҳам иштирок этиши мумкинлигини айтган.

* * *

НАЙРОБИ. «Ройял Датч/Шелл» компанияси Нигерия ерларидан қазиб олаётган нефт ҳажмини камайтиришини маълум қилди. Жумладан, эндиликда кунига 250 минг баррел «қора олтин» қазиб олинади. Илгари бу кўрсаткич 400 минг баррелни ташкил қилар эди.

Хабарларга қараганда, бунга компания билан маҳаллий ишчилар ўртасида иш ҳақини тўғри тақсимлаш масаласида жанжал чиққани сабаб бўлган. Натижада қуролланган гуруҳлар компания вакилларини гаровга олиб, айрим иншоотларга жиддий зарар етказган.

* * *

ЛОНДОН. Буюк Британия полицияси мамлакат аҳолисини Олстер экстремистлари рождество байрами кунларида ҳам қўпорувчилик билан шуғулланиши мумкинлигидан огоҳ этди. Ҳозир одамларни огоҳликка даъват этувчи кўплаб шиорлар тайёрланмоқда, деди полиция вакили.

* * *

СТОКГОЛМ. Швеция Яқин Шарқ можаросига ечим топишда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, мамлакат ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Ҳанс Далгрен ҳозир Қуддусда қарама-қарши томон вакиллари билан музокара ўтказмоқда, деди Бош вазир Йоран Перссон. Унинг айтишича, Швеция яқин ойларда Европа Иттифоқига раислик қилиш ҳуқуқини кўлга киритади ва бу мамлакатнинг Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнида янада фаолроқ ва кенг кўламли тарзда қатнашиш имкониятини яратади.

* * *

СТРАСБУРГ. Францияда Европа Кенгаши вазирлари қўмитасининг навбатдаги сессияси бошланди. Унда Югославиядаги вазият ҳамда Шимолий Кавказ, жумладан, Чеченистон билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Хабарларга қараганда, ушбу сессияда Югославия президенти Воислав Коштуницанинг ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

* * *

ПАРИЖ. Франция шошилинч ёрдам сифатида Югославияга уч миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин шуни маълум қилди. Унинг айтишича, бу маблағ озиқ-овқат, дори-дармон, мактаб ўқув-қуроллари харид қилишга сарф қилинади.

* * *

ҚОҲИРА. Миср билан Ироқ ўртасида дипломатия муносабатлари тикланди. Бағдодда яна Миср элчихонаси фаолият кўрсата бошлади. Мазкур давлатлар ўртасидаги расмий алоқалар 1991 йили Форс кўрфазидаги урушдан кейин тўхтаб қолган эди.

(ЎзА).

NIMA GAP

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Мурувват барча бермакдур,
емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур,
демак йўқ.

Маълумки, шеърни чуқур англаш, шеър воситасида фикран сайр этишнинг биринчи шарти — сўзнинг маъно ҳақиқати ва маъно ўзгаришлари ёки янгиланишларини яхши билиш ҳисобланади. Шеърхон у ёки бу сўз ва иборанинг мазмун тарихини нечоғлик пухта англаса, шеър билан мулоқотга киришиши ўшанча осонлашади. Бутун бошли шеърнинг тўғри талқини баъзан бир ёхуд бир неча сўзнинг маъноси, яъни туб ҳақиқатини кашф айлай олишга боғлиқ бўлиб қолади. Ана шунда маълум бир сўз ёки истилоҳнинг матнлар тизимидаги маъно бойиши, мантиқий транлашуви, бошқача бир ранг ва оҳангда зуҳурланишини кўриб ҳайрон ҳам қолиш мумкин. Бизнингча, Алишер Навоийнинг «Фавоийдул кибор» девонига киритилган юқоридаги фардидаги икки бош сўз: «Мурувват» ва «Футувват» ҳақида ҳам шундай дейиш лозимдир. Чунки фарднинг мазмун-моҳиятини теран англаш, айнан шу икки калиманинг маъносини имкон қадар тўлиғ билишни талаб қилади.

Мурувват — яхшилик қилмоқ ва яхшиликни севиш, мардлик, одамгарчилик ва сахийлик демак. Шу нуқтаи назарга кўра, Мурувват инсонни ақлан ва дин талаблари бўйича энг мақтовли амалларга рағбатлантирувчи руҳий салоҳият эрур. Оллоҳ дўстларининг лутф ва эҳсонларига ҳам мурувват дейилган. Бундан ташқари, дўстларнинг айб ва қусурларидан кўз юмиш, фақат мақбул ишларни қабул айлаб, номақбулларини рад этиш — бу ҳам мурувват.

Хатоий авлиёуллоҳнинг эшикларини — мурувват эшиги деб ҳисоблайди:

Эранлар эшиги, мурувват эшиги,
Сидқ ила кирганлар маҳрум
қолмас.

Умуман, мурувват соҳиби шижоат ва фидойилиги, холислик ва марҳамати билангина эмас, оқил ва донишмандлиги, мушоҳада ва хоксорлиги билан ҳам бошқаларга ўрнак бўла олгувчи кишидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Ҳиммат жамиятнинг меваси, ҳатто жамият сирридир», - дейдилар. Ана шу «мева»нинг «дарахт»и мурувват аҳлидурки, уларсиз ҳеч қачон ҳимматнинг асрорини мукаммал англаб бўлмайди.

«Мурувватнинг замини нима?» - дейилса, ҳеч иккиланмасдан, ахлоқ қуввати ва кўнгул ҳиммати, дейиш лозим бўлади. Зеро, мурувватда ҳеч қанақа иккиланиш, тараддуд заррача бўлсин, бирор-бир мақсад ёки ғаразни кўзлаш бўлмайди. Ҳамма иш мутлоқ тарзда холис бажарилади, кимга нима берилса, фақат кўнгил ҳиммати ила ҳадя этилади.

Чин маънодаги мурувватли одам энг охирги бурда нонини ҳам ўзи емаса емайди, аммо зарурат бўлганда уни муҳтож кишига беришдан ўзини асло тўхтата олмайди. Шунинг учун Навоий:

Мурувват барча бермакдур,
емак йўқ,

дея саховат ва олижанобликнинг ҳамма кўринишларини «барча бермакдур» иборасида мужассамлаштирганлар. Мурувват ва футувват калималарининг фард бошида кетмакет келтирилишида ҳам таносибий бир талаб бор. Чунки мурувват камолисиз футувватни тасаввур қилиб бўлмайди: футувватни бир жисм десак, мурувват унинг руҳи ва ёрқин зиёси.

Футувват — йигитлик, мардлик, фидокорлик мазмунидаги арабча бир сўз. Футувват аҳлига жавонмардлар дейишган. Хуросон ва Туркистонда футувват маслагидаги кишилар жавонмард номи билан фаолият кўрсатишган ва машҳур бўлишган. Жавонмардликда ҳамма яхши ва эзгу ишлар асосан ёшликка боғланади, ёшлик куч-қуввати, ёшлик самимияти ва фидойилигига ниҳоятда зўр ишонч билан қаралади.

Айрим тадқиқотчилар жавонмардлик таълимоти ва ҳаракатининг юзага чиқишини Қуръони Каримнинг Каҳҳор сураси ўн учинчи оятидаги мана бу сўзлар билан боғлашган: «Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига иймон келтирган ва биз иймонларини зиёда қилган йигитлар (фития, фато)дир». Бундай йигитлар мусулмон оламида Оллоҳ амрларига тўла-тўкис риоя айлаш, зоҳиран ва ботинан ахлоқни гўзаллаштириш, фақиру фуқароларга беғараз ёрдам кўрсатишлари билан донг таратишган.

Маълумки, инсоният учун энг хайрли, энг тўғри, энг ҳаётбахш йўл — футувват йўли. Футувватга бағишланган қадимий ва мўътабар манбалардан бўлмиш Абу Абдураҳмон Сулаамийнинг «Китоби ал-футувват»ида таъкидланишича, ҳатто наби ва пайғамбарлар ҳам жавонмардлик ишқи ва ахлоқи шарофатидан олий саодат ва мақомларга эришганлар: «...Футувват ишқи ила Нуҳ кўп ингради ва назарида футувват нури порлади. Иброҳим Халилуллоҳ футувват билан ном чиқариб бутпарастликнинг зарарини исбот айлади... Футувват боис

«МУРУВВАТ БАРЧА БЕРМАКДУР...»
(Бир фард талқини)



Юсуф йўлларнинг энг гўзалидан одим ташлади... Футувватни Довуддан Сулаймон олди, инслар ва жинслар Сулаймон амрига тобе этилди... Исо футувватла ёрқин бир нур бўлиб порлади, Руҳ ва Масиҳ унвонини олди. Футувват шарофатидан Муҳаммад алайҳиссаломга очиқ фатиҳ берилди...» Эҳтимол ана шу ҳақиқатни аниқ англаганликлари учун ҳам аҳли футувват фикрий биқиқлик, диний маҳдудликлардан фориғ бўлишгандир.

Нақл қилинишича, Абу Ҳафс Ҳаддод бир масжидга тўпланган машҳур шайхлар ҳузурига ташриф буюриб, фосиҳ бир арабий тил билан нутқ ирод этибди. Шунда ундан «Футувват недур?» - деб сўрашибди. «Авал сизлардан бирортангиз футувват нелигини сўзланг» - дебди Абу Ҳафс. Ўша йиғинда иштирок этаётган Жунайд Бағдодий «Менимча, футувват қилган яхшиликлар ва нафсни унутмак, яъни қилган ишларини «Мен қилдим», дея ўзига нисбат ва иснод этмасликдир», - дебди. Буни эшитган Абу Ҳафс «Шайх кўп гўзал сўзлади», - дея яна илова қилибди: «Менга кўра, футувват инсоф қилмоқ, аммо инсоф тилашни тарк қилмоқдир». Бу фикр ўшанда футувват ҳақида ҳали ҳеч ким айтмаган фикр ўлароқ эътироф этилган экан. Баъзи бировларда «Бу гапларнинг Навоий фардига нима алоқаси бор?» - деган бир савол пайдо бўлиши мумкин.

Биринчидан, Навоийнинг шеъри жавонмардлик ҳақида тасаввури саёз ўқувчига эмас, футувват тарихи, маслак ва қонун-қоидаларидан зарур даражада бохабар, яъни «қатра»да «дарё»ни кўришга қодир китобхонга мўлжалланганки, бунда илм ва маълумот ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни албатта ҳисобга олиш шартдир. Иккинчидан, Навоий «Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ», деркан, ўз ҳукмида Абу Ҳафс Ҳаддод, Жунайд Бағдодий сингари футувватнинг моҳиятини гўзал ва таъсирли ифодаларда таърифлаган алломаларнинг қарашларига таянганлигини кўрсатади.

Шеър — ўқувчига маълум, у аввалдан биладиган гапларни қофиялаштириб қайтадан унинг диққатига ҳавола қилиш эмас. Шеър — бир маънода шеърхоннинг илми, диди, идрок ва фаросати олдида масъулият сезиш, унинг зеҳнига ишонч ҳам демак. Ана шу масъулият ва ишонч мумтоз шеъриятимиз вакилларида ниҳоятда баланд бўлган. Шу боис, улар шеър ёзиш салоҳиятини шеър ўқиш, шеърни англаш қобилиятидан ажратишмаган. Бошқаларнинг дид ва савияси билан ҳисоблашмоқ учун ижодкор, энг аввало, ўзининг дид ва савияси хусусида куйиниши зарурлигини Навоийнинг деярли ҳар бир сўзи ва сатридан шундоқ сезилиб туради. Бундан ҳар қанча ўрганса, ҳар қанча ибрат олса арзийди. Қолаверса, бадиий ижод учун бағоят аҳамият касб этгувчи бу иш шеърдан йироқлашган ёхуд шеърдан ҳафсаласи пир бўлган ўқувчининг шеърга қизиқишини қайта жонлантиришга ёрдам кўрсатиши ҳам эҳтимолдан йироқмас.

Хуллас, Алишер Навоий ўнлаб ғазалларда акс эттирса бўладиган моҳиятни бор-йўғи бир мисрага сиғдиради. Шу биргина мисра ўқувчини футувват хусусида янада кенгроқ, яна ҳам кўпроқ нарса билиш эҳтиёжини кучайтиради. Ҳар бир шеърхон ўз фикр-савияси доирасида футувват амалиётининг сирларини очишга уринади. Жавонмардлик таълимотининг буюк вакилларидан бири Паҳлавон Маҳмуд:

Гар дар сафи мо мўрчаи гирад
жой,
Он мўрча шеър гардад аз
давлати мо, -

яъни: агар бизнинг сафимиздан чумоли ўрин олса, ул заиф чумоли бизнинг давлатимиз файзидан шеърга айланади, дейди. Футувват инсонни ахлоқий кучсизлик, маънавий ожизлик, фикрий қулликдан халос этгувчи ана шундай қудратли таълимотдир.

Дарвоқе, мафкура билан меҳнатни, руҳ дунёси билан амалий фаолиятни, ҳақ ишқи билан халқ ишини бирлаштириш жавонмардлик муассасаларининг улуғ тарихий хизмати эди. Жавонмардлар зулм ва зўравонликка қарши адолат ва шижоатни, жаҳолат ва ғафлатга қарши ақл ва ҳақиқатни оёқлантира олганликлари боис халқ уларга ишонган ва суянган.

Мансур Халложнинг «Китобъут тавосин»ида ғалати бир гап бор. У ёзади: «Иблис ва Фиръавн ила футувват хусусида баҳслашдим. Иблис шундай деди: «Сажда этсайидим агар футувват мендан узоқлашарди». Фиръавн айтди: «Мен ҳам Унинг расулига инонсайидим футувват мақомидан тушардим». Мен дедим: «Сўзимдан ва даъвотдан қайтсам эдим, футувват водийсидан ташқари отилардим».

Иблис, ўзидан бошқасини ғайр кўрмагунча «Ман ундан устунман» деди. Ва Фиръавн, қавми ичидаги ҳақ ила ботилни ажратадиганни танимагунча, «Сизнинг учун мендан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқдир», - деди. Мен дедимки, «Агар Уни танимасангиз, асарларини танинг. Ўша асар менман. Мен ҳақман. Ва мен ҳақ ила ҳақ ўлароқ абадийян давом этажакман».

Демак, ҳамма ҳам футувватни даъво айлаши, футувватдан сайраши мумкин. Бироқ, футувват биринчи навбатда нафсни енгиш ва моумоникдан тамоман йироқлашмоқ, ҳақни инсондан, унинг яратиқларидан ажратмасликдир. Ана шунда инсон «Футувват барча қилмоқдир, демак йўқ», - деган оламшумул бир ҳақиқатни кашф айлашдан ҳам, бор куч-қуввати ила унга амал қилишдан ҳам ўзини чеклай олмайди. Жавонмардлик ишқи ва тушунчаларининг Навоий шеъриятидан кенг ўрин ишғол этганлигига бир сабаб ҳам мана шунда бўлса керак.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҲАЙФСАН ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Газетамизнинг шу йил 19 сентябр сонида «Изланиш ва омилкорлик бўлмагач» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Унда Бухородаги «Табиат саховати» акциядорлик жамиятида омилкорлик етишмаётганлиги, ички имкониятлардан унумли фойдаланилмаётганлиги танқид қилинган эди. Матбуот чиқишида ишчи-хизматчиларга иш ҳақи бериш кечикаётганлигининг сабаблари ҳам атрофлича таҳлил этилганди.

«Бухороматлуботсавдо» вилоят акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ш.Шавқиддинов имзоси билан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— Танқидий мақола акциядорлик компанияси бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама этилди. Унда келтирилган далиллар тасдиқланди. Ишда йўл қўйган камчиликлари учун «Табиат саховати» акциядорлик жамияти раиси К.Шариповга ҳайфсан эълон қилинди.

БАРЧАМИЗГА САБОҚ БЎЛДИ

Газетамизнинг шу йил 26 сентябр сонида танқидий мақола чоп этилганди. Унда жамоа шартномаларининг бажарилишига масъулиятсизлик билан ёндошиш Ғаллаорол туман машина-трактор парки давлат ҳиссадорлик жамиятини қарзга ботирганлиги танқид қилинган эди. Мутасадди ташкилотдан таҳририятимизга йўлланган жавобда жумладан, шундай дейилади:

— Мақола туман машина-трактор парки жамоасининг умумий йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Унда кўрсатиб ўтилган далиллар тўғри деб топилди. Чиндан ҳам изланиш, ташкилотчилик етишмаганлиги, ишни омилкорлик билан ташкил эта билмаслик муаммоларни кўпайтириб юборди. Қатор жамоа хўжаликлари бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида пул ўтказмаганликлари ҳам қимматга тушди.

Матбуот чиқиши катта сабоқ бўлди. Ишончни оқлай олмаётган, боқимандалик кайфиятидаги кишилар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Иқтисодиётни юксалтиришнинг ички имкониятлари қидириб топилди. Чунончи, «Кўкбулоқ», «Қипчоқсув» ҳамда Э.Исмоилов номли ширкат хўжаликлари ҳисоб-китобни бошлаб юбордилар. Қатор ташкилот, корхоналарга қарзни ундириш юзасидан даъво талабномалари юборилди. Ҳиссадорлик жамияти жорий йил охиригача ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларидан қарзни бемалол узиш имконига эга бўлди.

А.МУҲАММАДИЕВ,
Ғаллаорол туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Жума ўгитлари

УЙ ВА ЕР СОТИБ ОЛИШ ОДОБИ

Билгил ва шоҳид бўлгилки, эй фарзанд, агар сен ер ва уй сотиб олишни истасанг, уни сотмоқчи бўлмасанг, қонунга риоя қил. Сотиб олмоқчи бўлсанг, касодлик вақтида сотиб ол, сотмоқчи бўлсанг, талаб қилинган вақтда сот, фойда қидир, бундан уялма, чунки, деганларки, бирор нарсани сотиб олмоқчи бўлсанг усталик қил. Савдолашувни қўлдан берма, чунки савдолашув ва сўраш — савдонинг ярмидир.

Бир нарса сотиб олмоқчи бўлсанг, зарар билан фойдаси бир хилда бўлсин. Хонавайрон бўлишни истамасанг, даромад устидан харажат қилма. Агар сармояга зарар етказишни истамасанг, зарар келтирувчи фойдадан сақлангил. Мўл-кўлчиликка эга бўлишни, камбағал бўлмасликни, бировга қарам ва очкўз бўлмасликни истасанг, ҳар ишда сабр қил, чунки сабр қилиш оқилларнинг ишидир. Ҳар қандай ишда ўз фойдангга бепарво бўлма, чунки бепарволик аҳмоқликдир... Шошиш билан ҳеч бир иш қўлга кирмайди.

Агар уй сотиб олмоқчи бўлсанг, тўғри одамлар яшайдиган кўчадан сотиб олгил, шаҳар атрофидан, девор тагидаги уйлардан сотиб олмагил. Арзон бўлади деб бузуқ уй сотиб олмагил. Уй олмоқчи бўлсанг, аввал қўшнини кўр, араблар, аввал қўшни, кейин уй, деганлар.

Донишманд Бузуржмеҳр дейди: «тўрт нарса оғир фалокатдир: биринчи — ёмон қўшни, иккинчи — катта оила, учинчи — жиззаки хотин, тўртинчи — муҳтожлик».

Шундай бир кўчадан уй сотиб олгинки, сен бу кўчада биринчи бойлардан ҳисоблангил, аммо қўшнинг инсофли одам бўлсин, уй сотиб олганингда, қўшнини ҳурмат қил, унинг ҳақ-ҳуқуқига риоя қил, чунки шундай дейдилар: қўшни ҳаммадан ҳам катта ҳуқуққа эга.

Ўз кўчангдаги ва маҳаллангдаги одамлар билан яхши яша, касалларни бориб ҳол-аҳволини сўра, кимга таъзия билдириш зарур бўлса, таъзия билдир, ўлимга иштирок эт. Қўшнининг ҳар бир ишига ёрдам бер. Агар қўшни шод-хуррам бўлса, шодлигига шерик бўл, мумкин қадар таом ёки кийим бошдан совғалар юбор, чунки сен шу кўчада энг ҳурматли кишилардан бўлгил.

Агар киши яхшилик ёки ёмонлик кўрса, ўз феълидан кўради, демак, (ўзингга) номуносиб ишни қилма ва нолойиқ сўзни айтма, чунки ҳар ким ёмон иш қилса ва ёмон сўз айтса, бошқадан қайтади ва бировдан эшитади.

(«Қобуснома»дан)



Фарғона тўқимачилик комбинатига қарашли халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида 200 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Ишчи-хизматчиларга зарур шарт-шароит яратилгани боис режалар ортиғи билан бажарилаётир. Айни пайтда корхонанинг тикувчилик цехида пахталик камзул, қоп-қанор, қўлқоп, махсус кийим-кечаклар тайёрланиб буюртмачиларга жўнатиляпти.

Суратларда: Иқтисодчи Гулнора Абдусатторова тикувчилар Озода Рустамова ва Муяссар Абдураҳмонова билан маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашяпти: тикувчилик цехида.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ
ва уларни қўллаш тартиби

... Иш берувчи интизомий жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам қуйидаги асосларда олиб ташлаш ҳуқуқига эга:

— ўз ташаббуси билан;

— ходимнинг илтимосига биноан;

— ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига биноан;

— меҳнат жамоасининг илтимосига кўра;

Меҳнат кодексининг 100-моддасида (2-қисм 3-банди) меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги асос бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу бандннинг ўзида «Меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш»га изоҳ берилган. Яъни унда, аввало меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходимнинг такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади, дейилган.

Демак, ходимнинг ножўя ҳаракати ва унинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузган, деб топиш учун иккита холат мавжуд бўлиши талаб этилади: биринчидан, меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган таъсир чоралари қўлланилган бўлиши лозим.

Иккинчидан, бундай таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим ўз меҳнат вазифаларини такроран бузган тақдирда, ушбу ҳолатлардан бирининг мавжуд бўлмаслиги илгари интизомий жазога тортилган ходим томонидан бир неча кун прогулга йўл қўйилиши ёки интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан кўп вақт ўтгандан кейин ёхуд ножўя ҳаракат содир этилиши «меҳнат вазифасини мутазам равишда бузиш» деб тан олинади.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ходим ўз меҳнат вазифаларини, мажбуриятларини олдиндан билган бўлиши керак. Бу тартиб Меҳнат кодексининг 178-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда ҳар бир ходим ўзига юклатилган меҳнат вазифалари билан олдиндан таништирилиши лозим, деб белгиланган.

Орифжон ҒАЙНАЗАРОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи инспектори.


СОХТА ДИПЛОМЛИ «МУАЛЛИМА»ЛАР

Ғиждувон туманидаги Наматгарон қишлоғида туғилган Дилфуза Ҳамидова ўз қилмишининг бунчалик нохушликларга олиб келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳамма гап шундаки, бундан уч йил муқаддам Д.Ҳамидова Тошкент педагогика билим юртида таҳсил олганлиги хусусида қалбаки диплом сотиб олди ва шу вақт давомида 1-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келди. Сохта диплом эгасининг болаларга қандай сабоқ бергани кундай равшан, албатта.

Афсуски, у якка эмасди. Шу мактабнинг яна бир бошланғич синф ўқитувчиси Дилдора Элованинг ҳам дипломи сохта чиқиб қолди. У ҳам беш йил давомида ёш авлодга дарс бериб келган.

Туман прокуратураси шу йил, ўқитувчиларни иш билан таъминлаш чоғида ҳужжатларни текширганида қалбаки дипломли ўқитувчиларнинг кирдикорлари маълум бўлиб қолди. Тўғри, суд ҳар иккала ўқитувчига тегишли жазо берди. Лекин, афсуски, сохта дипломни сотган кимсалар, таъбир жоиз бўлса, асосий айбдорлар аниқланмай қолди.

(ЎзА)



Туронзамин дарғалари

МАРҒИЛОН МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

(Боши 1-бетда)

— Қуббанинг қуйи қисмидаги ишлар ниҳоясига етди, - дейди 6-механизациялашган кўчма жамланма иш юритувчиси Улуғбек Жўраев. - 17,5 метрлик олтита устун остига ва қубба атрофига пойдевор ётқизилди. Тошкент, Қўқон, Риштон ва Қувадан келган моҳир ганжкор ва ўймакор усталар ўз юмушларини ниҳоясига етказмоқдалар. Ёғоч ўймакорлиги юмушларини қўқонлик Ўзбекистон халқ устаси Абдуғани Абдуллаев ўз шогирдлари билан амалга оширяпти. Майдоннинг шимолий томонидаги нақшинкор девор ҳам соат сайин қад ростлаяпти.

— Бунёдкорлик ишларини олиб боришда вилоятдаги ва Марғилон шаҳридаги кўпгина қурилиш ташкилотлари яқиндан ёрдам бермоқдалар, - дейди қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Собиржон Фозилов. - Равшанбек Ҳакимов раҳбарлик қилаётган 15-«Марғилонқурилиш» трести жамоаси айниқса, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Халқимизнинг азалий




анъаналаридан бири бўлган халқ ҳашари йўли билан ҳам кўпгина тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Марғилон маҳаллалари аҳли оқсоқоллар бошчилигида умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишмоқда. Шунингдек, вилоятдаги ўттизга яқин корхона ва ташкилотлар жамоалари ҳам енг шимариб кўмак беришмоқда.

Бурҳониддин ал-Марғиноний жамғармасига эса ҳамон корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан хайрия маблағлари тушиб турибди. Хусусан, шаҳар босмахонаси жамоаси 600 минг сўм, «Турон шойиси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси 350 минг сўм, «Ҳожинон» корхонаси ҳамда «Саховат» савдо ишлаб чиқариш жамияти 100 минг сўмдан ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, кичик корхоналар ва фирмалар , вилоятдаги деҳқон бозорлари, тижорат техникуми, тиббиёт билим юрти ва айрим фуқаролар ҳам бу хайрли тадбирга ўз улушларини қўшишди.

Хотира тўйи олдидан шаҳар ва вилоятда ўтказилаётган шанбаликлар алоҳида аҳамият касб этаётир. Бу фарғоналикларнинг ўз бобокалонлари тўйига муносиб туҳфасидир. Жамғарма фаоллари ва ижодкорлардан иборат илмий-тадқиқот экспедицияси шу йилнинг март ойида Бурҳониддин ал-Марғиноний қадамжоларида бўлиб қайтишди. Тошкент, Самарқанд, Туркистон, Бухоро шаҳарлари олийгоҳлари олимлари, тарихчилар, таниқли уламолар, журналистлар билан мулоқотда бўлиниб, янги маълумотлар тўпланди. Натижада «Илму саодатнинг ёркин тимсоли», «Ҳидоя»нинг соҳиби» номли рисолалар чоп этилди.

Айни кунларда меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда Бурҳониддин ал-Марғиноний ўқишлари ўтказилмоқда. Биринчи машғулотни корхона, ташкилотлар жамоалари, раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари



раислари иштирокида шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Аъзамжон Акрамов ўтказди. Ҳозиргача барча ўқув юртлари ва мактабларда, 12 та маҳаллада, савдо ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларида шундай ўқувлар уюштирилди.

Маълумки, Марғилон қадимдан гўзал ва нафис шойи ипаклар маконидир. «Турон шойиси» ҳиссадорлик жамияти ипакчилари шойи газламаларнинг тўрт хил янги нусхаларини яратдилар. Шунингдек, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг юбилейларига бағишлаб, 2000-2001 йиллар тақвимини шойи газламага тушираяптилар. «Марғилон хонатласи» корхонасида атласларнинг «Сайқал» деб номланган нусхаси ишлаб чиқарила бошланди. «Ёдгорлик» меҳнат жамоасида қўлда тўқилган ва алоҳида сайқал берилган «Марғилон боғлари» атлас нусхаси тайёрланди.

Таниқли маърифатпарварлар ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмаётир. Тиббиёт билим юрти директори Шавкатжон Эрматов бошчилигида Бурҳониддин ал-Марғиноний музейи ташкил этилди. Аълочи ва жамоатчи талабаларга янги ўқув йилидан бошлаб аллома номидаги стипендия бериладиган бўлди. Шунингдек, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг Марғилон ва Риштон билан боғлиқ ҳаёт йўллари ўрганилиб, кенг тарғиб этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Марғилон янада кўркамлашиб, обод ва чароғон бўлиб, бобокалонимизнинг хотира тўйларига мамлакатимиз ва чет эллардан келадиган азиз меҳмонларни кутиб олишга шай бўлиб турибди.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, Темир ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбирлари.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

«Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга ошириш йўлида жойларда ибратли ишлар олиб борилмоқда. Оммавий суратда ўтказилаётган мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари ҳам соғлом ёшликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшлар орасида спортни оммалаштириш мақсадида республикамиз бўйича яна бир ташаббус бошланди. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» деган шиор остида уюштириладиган катта спорт байрамига тайёргарлик бошланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги олдидан бўлиб ўтадиган бу оммавий тадбир ўз навбатида жисмоний тарбия ва спортнинг кенг ривожланишига хизмат қилади.

Шу спорт байрами умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари-2001» республика спорт мусобақалари кўринишида ўтказиладиган бўлди. Бу тадбир 2000-2001 йилларда тўрт босқичда бўлиб ўтади.

«Олимпиада умидлари-2001» мусобақаларининг якунловчи катта спорт байрами келгуси йилнинг май ойида Тошкентда намойиш қилинадиган бўлди.

Спорт байрамига Ўзбекистондаги қатор ташкилот ва муассасалар ҳомийлик қиладилар.

А.АЛИЕВ.

— Туринг, суд келаётир!

Ҳар гал ушбу сўзларни эшитганда юрак бир қалқиб тушади.

Аммо бу галги жараёнда ҳаяжон ва яшириш қийин бўлган нафрат ила талаффуз этилаётган сўзларни эшитиб, қулоқларингга ишонмайсан киши. Наҳотки шундай бўлиши мумкин?! Йўқ, бу қандайдир тушунмовчилик, панжара ортида бошини хам қилиб ўтирган мумсиқ бир кимса асло бу ишга қодир эмас; деб ҳайқиргинг келади беихтиёр.

Афсуски, ҳукмда айтилган гапларнинг бари ҳақиқат, ҳар қанча аламли бўлмасин, юз берган мудҳиш воқеага адолатли баҳо бу.

...Йўқса, бинойидек яшашар эди-я. Ҳаммасининг ҳаваси келар, ҳатто гоҳида қайсидир хонадонда эр-хотин ўртасида гап қочса, Искандаровлар оиласини ибрат қилиб кўрсатиб, тотувлик риштаиларини қайта боғлашга рағбат уйғотишарди. Нега ҳам ҳавас қилишмасин, ахир! Севиб-севилиб яшашга нима етсин: Клавдия ҳам, Қаландар ҳам бир-бирини деса ўлиб қоларди. Фарзандлар туғилиб, улар олдинма-кетин вояга ета боргач, ҳаёт янгича мазмун касб этиб, оила янада файзга тўлиб борарди.

Хоразмда бир ҳикматга қаттиқ ишонишади: яхши одамнинг бола-чақаси кўп бўлади. Искандаровларда эса бир эмас, икки эмас, ўн фарзанд бор эди. Болали уй бозор, деганларидек ғидибиди-ю жанжал-тўполонга вақт йўқ. Унисига кийим олиб бер, буниси хиёл йўталиб турибди — дўхтирга кўрсат, унисига дафтар керак, бунисининг бўйи чўзилиб қолди — сандиқни тўлатиш керак, чоп-чоп билан неварали бўлганларини ҳам билмай қолишди.

Лекин орада нима бўлди-ю эллик ёшдан ўтар-ўтмай Қаландар туппа-тузик ишлаб турганн пахтачилик бригадасидан этак силкиб, бекорчи бўлиб олди. Клавдия юмшоқ ҳам гапириб кўрди, қаттиқ ҳам гапириб кўрди — фойдасиз.

— Мен болаларингни шунча боқдим, энди улар мени боқишсин, — деб икки оёқни бир этикка тиққанча, туриб олди у.

Нимаям қиларди, олти нафар қизини турмушга чиқарган она тишини-тишига қўйди, уйдаги гап кўчага чиқмасин, дея тилини тийди.

ОНА ҚОТИЛИ

(фельетон)

Эрининг барча қилиқларига чидади. Аксига олиб катта ўғли ҳам алоҳида ҳовли қилиб, чиқиб кетган эди. Кимга дардини айтсин, ким билан ҳасратлашиб, ичини бўшатсин. Яхшиямки қайнонаси Шарифа момо бор. Бир пиёла чой устида ундан-бундан гап очиб, ҳовуридан тушиб олади. Лекин баъзи пайтлари дунё кўзига тор бўлиб, дод деб юборгиси келади.

— Болаларинг биринкетин сендан қутилиб кетишяпти, — дерди у гоҳида ярим ҳазил билан. — Мен қачон қутилар эканман сендан...

— Сенми, сен ўлиб қутиласан мендан, — дерди шунда ўдағайлаб Қаландар.

Кўрс жавоб Клавдиянинг севиб-севилиб яшаган кунларини қўмсаётган аламзада дилини баттар изтиробга солар, шундай онларда хўрликдан ёш қалқиб чиққан кўзларини қаёққа яширишни билмай қоларди. Охири, сабр-бардоши тугади, қуда-андали бўлиб роҳат-фароғат кўрармани, деган ширин хаёллар ҳам ушлаб қололмади уни — уйдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Айрилиқ одамларга икки хил таъсир қилади: биров эс-ҳушини йиғиштириб, йўл қўйган хато-камчиликларини тузатишга тушиб кетса, биров аксинча; хап санини, дейди-ю Яратганни ҳам танимай қўяди. Афсуски, Клавдиясиз кечган кунлар Қаландарнинг кўзини очмади, билакс, қонга тўлдирди. Энди у аламини уйдан - фарзандлари ва онаси Шарифа момодан оладиган бўлди. Айниқса қариб, болалигига қайтган онаси ғазаблантирар, унинг гоҳ топиб, гоҳ қопиб айтган сўзларидан сўнг ўзини идора қилолмай қоларди. Бора-бора ҳақоратли сўзлар ёнига мушт ҳам қўшилди.

Шўрлик она! Не-не орзу-умидлар билан туғиб, вояга етказгани ўз жигарпораси мушт дўлайтириб тепасига келганда, бир бурда бўлиб қолган жуссасини қаерга олиб қочишни билмай, ён-атрофга умидвор жавдирар эди. Гоҳи уни ҳимоя қилишга невараларининг ҳам кучи етмас, шунда бир неча кунлар кўкарган юз-кўзларини қўшнилардан яшириб, кўчага чиқмай қўяр, сўраганларга эса «қаричилик қурсин, йиқилиб тушдим» дея ўғлини ҳимоя қиларди. Барибир... фожеа юз берди. Кўчадан одатдагидек «тўй бола» бўлиб келган Қаландар онасининг эркалигини кўтаролмади.

— Қаерларда санғиб юрибсан ахир, овқат пиширмайсанми, — дея ҳовли ўртасига тушиб келаётган кампир кўзига балодек кўриниб кетди. Лекин ўзи билан ўзи селвор онанинг ҳали гинаси тугамаганди. — Гулдек оилангни гўрдек қилиб қўйибсан...

Судда Қаландар ўз қилмишига тўла иқрорлик билдирди.

— Чидолмадим. Аввал уриб, кейин бўғиб ўлдирдим, — деди у.

Бутун Қўшқўпир туманини оёққа қалқитган суд жараёнида Клавдия Шин ҳам кўрсатма берди.

— Унинг менга берган азобларига тўнғиз ҳам чидамасди. Таёқ емаган куним йўқ эди, — деди у судда.

Фарзандлар ҳам ўз сўзларини айтишди, бошқа гувоҳлар ҳам. Нақадар аянч манзара: энг даҳшатлиси, Қаландар юз берган фожеани ҳамон англаб етмагандек, унинг шаънига билдирилаётган айбловлар нафақат уни, бутун авлод-аждодига тавқи-лаънат бўлиб муҳр босаётганини ҳис қилишдан ожиз ҳолда, ким гапирса ўшанинг оғзига тикилиб ўтирарди.

Она қотили! Бу тамғани энди на ўчириб, на кўчириб, на қўпориб ташлаб бўлади. Беихтиёр бундан кўп асрлар муқаддам яшаб ўтган жаҳонгир Искардар Зулқарнайннинг онасига йўллаган мактуби хотирага келади:

«Бузилган танимнинг жони, вужудим бебаҳо лаълисининг кони бўлмиш онамга сўзим шуки, мен сени кўпдан-кўп айрилиқларга ташлаб юрдим. Сендан йироқ кетиб, сени қийнадим. Бошимга беҳуда андиша ва орзулар тушиб, оламни бошдан-оёқ фатҳ этишни ўзимга ният қилиб олдим. Нимани ўйлаган ва ҳис қилган бўлсам, ҳаммаси хом ва ҳаммаси ичилган май каби бефойда экан. Аслида эсимни танитган, ақл миямга ҳарорат берган кундан бошлаб сенга ўғиллик қилсам, яъни сенга худди қулдек хизмат қилсам бўлар экан! Аслида сенинг остонанг тупроғига айлансаму унинг отини шоҳлик деб билсам бўлар экан...».

Бу — жаҳонни забт этган шаҳаншоҳнинг иқрор сўзлари.

Ана, қаршимизда жонли бир ҳайкал. Уни инсон деб аташга тил бормайди.

Зайниддин РИХСИЕВ, Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбирлари.

ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБИ

Тошкентдаги «Илҳом» театри ҳузурида фаолият кўрсатаётган драма санъати мактаби машғулотларида истеъдодли талаба ёшлар қатнашиб келмоқда. Актёр маҳорати, саҳна нутқига доир машғулотлар мактаб тингловчиларида амалий кўникмаларни ўстиришга яқиндан ёрдам бермоқда.

Эндиликда бу истеъдодли ёшлар иштирокида постановкаларни саҳналаштиришга киришилди. Яқинда саҳна юзини кўрган «Мадмуазел таржи қиёфаси» деб номланган янги спектакл яхши баҳоланди.

Ҳозир яна бир спектакл устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга драма санъати мактаби фестивалини ўтказиш тараддуди кўрилмоқда.

Касаба уюшма спорти жонкуярлари

Ҳар гал энг нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олган юртдошларимиз шарафига мадҳиямиз янграб, озод юртимиз байроғи ҳилпираганда кўз ўнгимизда беихтиёр, ёш йигит ва қизларни катта спорт оламига бошлаган мехрибон ва заҳматкаш мураббийлар гавдаланади.

БАХТИ ШОГИРДЛАРИ КАМОЛИ

Мустақиллик байрами арафасида кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланганлар орасида Бухоро вилояти касаба уюшмалари тасарруфидаги 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори Амрилло Шарипов ҳам бор. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси» унвонига мушарраф бўлди.

— Мен раҳбарлик қилаётган 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вилоят спортсевар ёшларининг энг севимли масканларидан бири саналади, — дейди Амрилло Шарипов. — «Бухоро» ўйингоҳи спорт мажмуида жойлашган мактабимизда ёшларнинг жисмоний камолотини таъминлаш учун барча имкониятлар яратилган. Шунинг учун 10 га яқин спорт турлари бўйича олиб борилаётган машғулотларда қатнашиш истагида бўлганлар сафи тобора ортиб бормоқда.

Тўгараклар ишини жонлантириш, машғулотларга кўтаринки руҳ бағишлаш, турли мусобақалар ўтказиш, истеъдодли ёшларни саралаб, катта спорт олами сари дадил етаклаш ўз-ўзидан бўлмайди. У чуқур билим, маҳорат ва бой тажриба талаб этади. Ҳар қалай спортни жон-дилидан севиб, ардоқлаб келган Азим отанинг суюкли фарзанди-да. От ўрнини той босади, деганларидек, айни чоқда Амрилложон отасининг ўгитларини, у кишидан олган ҳаётий сабоқларини ўғли Бахтиёржонга ўргатмоқда. Истеъдодли спортчилар сулоласи етишиб чиқаётган мазкур оила тўғрисида бугун бухороликлар тўлқинланиб гапиришади.

— Спорт фидойиликни талаб этади. Мен ҳар гал у билан бирга спорт оммавийлигини таъминлаш иштиёқида елиб-югурар эканман, дилимда гўзал туйғулар жонланади, — дейди Амрилложоннинг устозларидан бири Болта Ғаффоров. — У чарчаш, толиқиш нималигини билмайди. Ҳам мураббий, ҳам касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқаруви раисининг ўринбосари сифатида катта ташкилотчилик кўрсатмоқда. Яна вақт топиб, 35-40 нафар ёшларга эркин ва юнон-рум кураши сирларини ўргатиб, йилига ўнлаб умидли полвонларни тарбиялаб, вояга етказмоқда.



Устознинг дил сўзларига қўшимча қилиш қийин. Фақат бир гапни айтиш лозим. Амрилложоннинг шогирдлари орасида мамлакатимизнинг мутлақ чемпионлари, қатор халқаро турнирлар ғолиби-ю, олимпиада қатнашчилари бор.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсат аъзоси, вилоят ҳокимининг муовини **Раимжон РАҲМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.15

Буюртма Г— 1024. 1 2 3 4 5 6